

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ
28.12.2005 й.
№ 282

"ZIYONET" АХБОРОТ ТАРМОҒИНИ
ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

1-илова. "ZiyoNET" тармоғи ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш Дастури

2-илова. Мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни "ZiyoNET" тармоғига улаш Режа-жадвали

3-илова. Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва "ZiyoNET" тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисида Низом

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида" 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ-191-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар:

"ZiyoNET" тармоғи ахборот ресурсларини яратиш, ривожлантириш ва жамлаш дастури 1-иловага мувофиқ;

Мамлакат мактаблари, академик лицейлари, коллежлари, олий ўқув юртлари, ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни "ZiyoNET" тармоғига улаш режа-жадвали 2-иловага мувофиқ;

Ахборот ресурсларини яратиш, экспертизадан ўтказиш ва "ZiyoNET" тармоғининг технологик майдончасида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ишлари ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда ушбу қарор билан тасдиқланаётган Дастур ва Режа-жадвалнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

3. Бюджет ташкилотларини Режа-жадвалга мувофиқ "ZiyoNET" тармоғига улаш ва алоқа хизматлари ҳақини тўлаш билан боғлиқ харажатларнинг 2006 йилда ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007-2010 йилларда Давлат бюджети параметрларида бюджет муассасаларини Режа-жадвалга мувофиқ "ZiyoNET" тармоғига улаш ва алоқа хизматлари ҳақини тўлаш учун зарур маблағларни белгиланган тартибда назарда тутсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, "ZiyoNET" тармоғига улаш учун провайдерларни танлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида амалга оширилади.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.Н.Арипов ва Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш.Мирзиёев